

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 10-YANVAR, PAYSHANBA, 4 (8085)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

Самарқанд Вилояти



БЕХАТАР ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори асосида Самарқанд вилоятида ҳам туғуруқ мажмуалари фаолиятини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тизимда олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар самарасида Самарқанд шаҳридаги 150 ўринга мўлжалланган 2-туғуруқ мажмуаси "Саломатлик-2" дастури бўйича замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланди. Мажмуанинг гинекология ва патология бўлимлари барча

шарт-шароитлар мужассам замонавий бинога эга. Шунингдек, чақалоқлар бўлими интенсив терапия хонасида муддатидан олдин туғилган гўдакларни алоҳида парваришлаб, соғлом ҳаёт кечирishiни таъминлаш мақсадида замонавий тиббий ускуналар ўрнатилди. Туғуруқнинг даст-

лабки кунларидан чақалоқларни юқумли касалликларга қарши эмлаш ишлари самарали йўлга қўйилган.

Мажмуада яратилган бундай замонавий шароит туғуруқ ва туғуруққа тайёрлаш жараёнларини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Беҳатар оналик ва болалик, репродуктив саломатлик, туғуруқлар ораллигини сақлаш каби масалалар малакали шифокорлар диққат-эътиборида.


СУРАТДА: Самарқанд шаҳридаги 2-туғуруқ мажмуаси чақалоқлар бўлими бошлиғи, педиатр Матлуба Рашидова яна бир чақалоқ соғлом туғилганидан хурсанд.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

САХИФЛАРДА



ЁШ ОЛИМНИНГ ЯНГИ ҚУЁШ ГЕНЕРАТОРИ



МИЛЛИЙ АРМИЯ ЮРТ ТАЯНЧИ



ЎФФ ФИФАНИНГ «FAIR PLAY» СОВРИНИНИ ОЛДИ

Наманган Вилояти

▼ ЯШНАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР

КОРОСКОН ОБОД ГЎШАГА АЙЛАНМОҚДА

Чортоқ туманининг йирик қишлоқларидан бири Короскон мустақиллик йилларида ҳар тарафлама ривожланиб, обод гўшалардан бирига айланди. Айниқса, Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан намунавий лойиҳалар бўйича бунёд этилаётган янги уйлар қишлоқ аҳлини янгилик сари интилиб, изланиб, ишлашга ундамоқда.

Коросконлик тадбиркор Боқижон Алиматов бундан кўп йиллар олдин уч-тўрт ҳамқишлоқлари билан стол-стул, гултувак, панжара, манзарали темир-бетон, турли кўринишдаги ҳайкаллар тайёрлашни йўлга

қўйганди. Йил сайин тадбиркорнинг иши ривож топди. Маҳсулотлар сифати ошди, тури кўпайди.

— Президентимизнинг "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағ-

батлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларини пухта ўрганиб чиқдик, — дейди "Водий таъмин-таъминот" хусусий корхонасининг раҳбари Боқижон Алиматов. — Шундан сўнг ўз ишимга бошқача кўз билан қараб, ижодий изланиб ишлашга қарор қилдик. Менга бу борада поплик Баҳодиржон Аҳмедов катта ёрдам берди. Ота касбига садоқат билан ёндашиб келаётган Баҳодиржон, ўғиллари Бахтиёржон, Камолиддин, Нусратил-

ла ва бошқаларни ёнига олиб, 2010 йили пишган гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехини бунёд этишди. Натижада қишлоқ аҳолиси учун ниҳоятда зарур бўлган пишган гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг муҳими, корхонамизда 150 янги иш ўрни яратилди.

Ўтган Мустаҳкам оила йилида Короскон қишлоғи марказида "Синфдошлар" мажмуаси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу билан бир қанча қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди. Эъти-

борли жиҳати шундаки, турли тантана ва тадбирларни ўтказишга мўлжалланган мазкур мажмуа "Водий таъмин-таъминот" корхонасининг маблағи ва корхона бошлиғи Боқижон Алиматовнинг ташаббуси билан барпо этилди.

Эндиликда "Чортоқ-Уйчи" асфальт йўли ёқасида жойлашган "Синфдошлар" мажмуаси нафақат коросконликлар, балки шундан ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам сеvimли масканига айланди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ОТМ рейтингни тузилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 январдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ жорий йилдан бошлаб мамлакатимиз олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизими жорий этилади.

Рейтингни тузиш ва олий таълим муассасаларини баҳолаш вазифини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бажаради. Рейтинг олий ўқув юртарларнинг илмий-педагогик фаолияти даражаси ва сифатини характерловчи маълумотларни тизимли равишда жамлаш ва маълумотлар базасини шакллантириш, олинган кўрсаткичларни ишлаб чиқилган мезонларга мувофиқ баҳолаш асосида тузилади. Бунда таълим сифати даражасининг кўрсаткичи – 35 фоиз, талаба ва битирувчиларнинг малака индекси – 20 фоиз, олий таълим муассасасининг илмий салоҳияти – 35 фоиз, бошқа кўрсаткичлар – 10 фоиз ҳисобида инobatга олинади. Шунингдек, Давлат тест марказига рейтинг баҳолари асосида республикада олий таълим тизими ҳолати ва уни ривожлантириш бўйича йиллик таҳлилий ахборотни тайёрлаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш бўйича аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифини ҳам юклатилган. Қарорда олий таълим муассасалари рейтинг натижаларини ҳар йили 1 мартга қадар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш белгилаб қўйилган.



АНГРЕНДА ТЕХНИК МОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Тошкент вилоятидаги “Ангрен” махсус индустриал зонасида ишлатилган техник мойни қайта ишлаш билан шуғулланидиган “Uz-Ecoprotect” ва “Uz-Prista Recycling” қўшма корхоналари фаолият олиб боради. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишлатилган техник мойни қабул қилиш, сақлаш ва уни қайта ишлаш учун жўнатилган махсус пунктлар ташкил қилиш режалаштирилган.

Ишлатилган техник мой Ангрендаги собиқ “Резинотехника” заводининг фойдаланилмаётган майдонига “Uz-Prista Recycling” қўшма корхонасига тегишли махсус машиналарда олиб борилиб, қайта ишланиши, ундан янги техник мой ишлаб чиқаришда асосий хомашё сифатида фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирда ҳудудларда бир ойда қанча миқдорда ишлатилган техник мой йиғилиши ўрганилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир туманда нечта қабул пункти очилиши белгиланади.

Муқаддам “Uz-Техасо” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ва Болгариянинг “Prista Oil Group” ширкати Ўзбекистонда автомобиллар учун синтетик мотор мойи ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Мамлакатимизда авваллари бу маҳсулот турига бўлган талаб асосан импорт ҳисобига қондирилиб келинганини таъкидлаш лозим.

ЁШ ОЛИМНИНГ ЯНГИ ҚУЁШ ГЕНЕРАТОРИ

Андижон давлат университетининг ёш ходими Авазбек Мирзаолимов тажрибали ҳамкасблари — бир гуруҳ олимлар билан биргаликда қуёш генераторининг янги моделини яратиш устида иш олиб бормоқда.




Олимларимиз томонидан олиб борилаётган тадқиқот қуёш генераторининг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган. Одатдаги қуёш генераторларининг юзаси ясси бўлиб, фақатгина тўғридан-тўғри келиб тушадиган

қуёш нурларини қабул қилишга мослашган. Ёш олим эса унча катта бўлмаган, энсиз кремний пластиналари бўйлаб понасимон шаклда ўрнатилган ойналардан иборат қуёш генератори қурилмасини таклиф қилмоқда. Шунда генераторнинг ишлаб чиқариш қуввати ошади. Таннари эса аксинча, арзонлашади. Чунки янги типдаги қуёш генератори учун қимматбаҳо хомашё ҳисобланмиш кремний одатдаги қуёш генераторларидан уч баравар камроқ сарфланади.

ИБН СИНОНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ГЕРМАНИЯДА ЎРГАНИЛМОҚДА

Германияда қомусий олим Абу Али ибн Синонинг илмий меросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги дипломатик миссияси ва Берлиндаги “Авитсенна” тиббиёт клиникаси билан биргаликда ташкил этилди. Йиғилганларга халқимизнинг бой тарихий ва илмий мероси ҳақида батафсил маълумот берилди.



Тадбирда юртимиз дунё тамаддуни тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган бутун дунёга маълуму машҳур Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва бошқа кўпгина олим фузалоларнинг ватани эканлиги қайд этилди. Европада Авитсенна номи билан шуҳрат қозонган Абу Али ибн Сино улар орасида ўзига хос ўрин эгаллайди. Тадбирда алломанинг шифокорлар даволаш амалиётида қўллайдиган ва жаҳон тиббиётининг келгуси равнақи учун хизмат қилган бир қатор тиббий технологиялардан биринчи бўлиб фойдалангани айтилди. Хусусан, муҳомада “Авитсенна” клиникасининг раҳбари М.Сабарини Ибн Синонинг ўзи эгаллаган билимлардан илмий мақсадларда фойдалана олган ва уни амалиётга тадбиқ этиш учун касаллик тарихини ўрганган биринчи олим эканлигини таъкидлади. Беморларни даволашда қўлланиладиган рецептлар тизими ва усуллари табибнинг асосий тиббий асари “Китоб ал-қонун фит-тиб” – “Тиб қонунлари” китобида баён этилган. Мазкур асар тиб илми соҳасида ноёб хазина ҳисобланади. Тадбир иштирокчилари олимнинг ҳаёти ва ижоди, унинг тиббиёт, фалсафа, математика ва бошқа фан соҳаларида эришган ютуқларига доир маълумотлар билан ҳам яқиндан танишдилар. Шунингдек, Ўзбекистонда Абу Али ибн Сино номидаги халқаро жамғарманинг муваффақиятли фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

ХАТТОТНИНГ ИШИ «ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ»ДАН ЖОЙ ЭГАЛЛАШИ МУМКИН

Самарқандлик моҳир хаттот Шавкат Истамов беш йил давомида Қуръони Каримнинг дунёдаги энг катта қўлёзма нусхасини яратди.

«Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой эгаллаши мумкин бўлган ана шу улкан китобнинг узунлиги 1,5 метр, эни — 86, қалинлиги 10 см. бўлган 311 варақ — 622 саҳифадан иборат бўлиб, оғирлиги юз килограммни ташкил этади. Бу хаттотнинг биринчи иши эмас. У бундан ўн йил илгари узунлиги 1 метрга яқин, оғирлиги эса 40 килограмм бўлган Қуръони Каримнинг қўлёзма нусхасини ҳам яратган эди.

Асли касби инженер-механик бўлган Шавкат Истамов кўп йиллардан бери мумтоз адабиёт намоёндаларининг машҳур асарларини китоб илосмандларига тортиқ этиб келмоқда. У хаттотлик иши-



ни 1995 йилда бошлаган эди. Ёзувдан тортиб, безак ишларигача ўзи бажаради. Фаолияти давомида буюк мутафаккир Алишер Навоий, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Хофиз Шерозий, Паҳлавон Маҳмуд, Умар Хайём асарларининг ўзбек ва форс тилларидаги қўлёзмаларини ҳам тайёрлади. Бу қўлёзмаларни ўқувчи ўнг томонга варақлаганда араб имлосида, чап ёнга варақлаганда кирилл ёзувида ўқиши мумкин.

ЎФФ «ЭНГ ЯХШИ»ЛАР ҚАТОРИДА

FIFAнинг «Fair Play» совринини олди

7 январь куни Цюрих шаҳридаги “Kongresshaus” конгресслар уйида ФИФА турли номинациялар бўйича “йилнинг энг яхшилари”ни тақдирлади. Эътиборлиси, Ўзбекистон Футбол Федерацияси 2012 йил якунларига кўра, “Fair Play” совринини қўлга киритди. «Fair Play» совринига якуний номзодлар қаторидан Гватемала Футбол Федерацияси ҳамда Туркиянинг “Эскишехирспор” футбол клуби ўрин олган эди. Нуфузли совринни ФИФА вице-президенти Али Бин Ал-Хуссейн қўлидан мазкур маросимда қатнашган ЎФФ Президенти Мираброр Усмонов қабул қилди.

Ўзбекистон Футбол Федерацияси 2012 йил якунларига кўра, ОФК томонидан ҳам «Fair Play» соврини билан тақдирланган эди. Ўзбекистоннинг футбол бўйича барча терма жамоалари ва футбол клублари ОФК байроғи остидаги халқаро мусобақаларда 2012 йилда энг кўп очко тўплади. Мавсум ютуқларга бой бўлди. Жумладан, 16 ёшгача бўлган ўсмирларимиз Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида бош совринни қўлга киритди. 20 ёшгача бўлган терма жамоамиз ҳам қитъа биринчилигида кучли тўртликдан жой олиб, навбатдаги жаҳон чемпионатида тўп сурадиган бўлди. Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси

эса кетма-кет учинчи марта жаҳон чемпиони бўлди. 16 ёшгача бўлган қизларимиз илк маротаба Осиё чемпионатининг финал қисмига йўлланма олди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилги жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш мусобақасида ўз гуруҳида пешқадамлик қилмоқда.

Шунингдек, Испания терма жамоаси бош мураббийи Висенте дель Боске 2012 йилнинг “Энг яхши мураббийи” деб эълон қилинди. Номзодлар орасида Испаниянинг “Барселона” жамоаси собиқ бош мураббийи Хосеп Гвардиола ва “Реал Мадрид” клубининг бош мураббийи Жозе Моуриньо-

лар бор эди.

“Барселона” аъзоси Леонель Месси эса жамоадоши Андрес Иньеста, ва “Реал Мадрид” клуби ярим ҳимоячиси Криштиану Роналдудан ўзиб кетиб, тўрт карра “Олтин тўп” совриндорига айланди ва йилнинг “Энг яхши футболчиси” деб топилди.

Футбол ривожига қўшган ҳиссаси учун бериладиган ФИФА махсус соврини Франц Бекенбауэрга топширилди. Маросимда германиялик мутахассис футболчи ва мураббий сифатида кўлаб совринларни қўлга киритгани ва футболнинг ривожини учун улкан ҳисса қўшгани таъкидланди. Унга совринни ФИФА раҳ-

бари Йозеф Блаттер топширди.

2012 йилнинг “Энг чиройли голи” деб Туркия ички чемпионатида “Фенербахче” футболчиси Мирослав Стох томонидан “Генчлербирлиги” дарвозасига киритилган гол топилди.

Аёллар футболларида эса 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида олтин медалларни қўлга киритган АҚШнинг футбол бўйича олимпия терма жамоаси мураббийи, шведиялик Пиа Сундхаге “Энг яхши мураббий”, мазкур жамоанинг тўпурақ футболчиси Эбби Уомба эса “Энг яхши футболчи” деб эълон қилинди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ





МИЛЛИЙ АРМИЯ – ЮРТ ТАЯНЧИ

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирuvi ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги Қарори Ватан ҳимоясини муқаддас бурч деб билган йигитларимиз қалбини чексиз қувонч-ифтихорга тўлдирди. Улар ҳарбийлар сафидан ўрин эгаллаш мақсадида мудофаа ишлари бўлимларига шошила бошлади.

Халқимизда “Эр йигит Ватан учун туғилади” деган ибора бор. Ота-боболаримиз азалдан фарзанд тарбиясига айнан шу тамойил асосида ёндашишган. Оилада ўғил бола ёшлигиданоқ мардлик, жасурлик, ватанпарварлик руҳида тарбияланган. Мустақиллик даврида она юртни кўз қорачиғидай асраш, миллий армия сафида хизмат қилиш йигитларимиз учун муқаддас бурч ва фазилатга айланган. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида Қуролли Кучларимиз ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди, куч-қудрати ошди. Йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш, захирага бўшатиш аскарларни кутиб олиш тадбирлари байрамона руҳда эсда қоларли ташкил этилиб, ҳарбий хизматчиларга қатор имтиёзлар яратилди.

Масалан, Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли

ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони биноан муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта февраль-март ойларида қақирилиши белгиланди. Мудофаа ишлари бошқармалари қақирув масканлари инфратузилмаси такомиллаштирилди ҳамда зарур моддий-техник ашёлар ва тиббий ускуналар билан жиҳозлашга жиддий эътибор қаратилди. Ўғлонларимиз муддатли ҳарбий хизматга аскарлик либосида жўнайдиغان бўлишди.

Истиқлол шарофати туфайли йигитларимиз ўз Ватанида, миллий армиямизда хизмат қилишмоқда. Ўтган йилнинг 31 майида Юртбошимиз томонидан қабул қилинган яна бир қарор муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун мавжуд имтиёзлар тизимини такомиллаштирди. Эндиликда Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг

тегишли тавсияномасига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг қўшимча 27 фоизига эга бўлишди. Агар абитуриент ҳарбий қисм қўмондонининг тавсияномаси асосида имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган тақдирда мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тўғрисида ариза берилиши мумкин. Бундай ариза тест синовлари тугагандан сўнг 10 кун ичида ёзилиб давлат комиссияси қарорига биноан амалга оширилади.

Хуллас, бугун миллий армиямиз сафларида ҳар томонлама чиниққан мард йигитлар хизмат қилляпти. Ватанга, эзгу қадриятларга содиқ бундай ёшлар мустақил дийоримиз осмонининг мусаффолиги, Ватанимиз сарҳадларининг осойишталигини сақлашда ишончли кучдир. Муддатли ҳарбий хизмат ёшларимиз учун нафақат ўз бурчини адо этиш, айни пайтда жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини оширишда ҳам катта мактаб вазифасини ўтамоқда.

Мамазокир БОЙМУРОДОВ, Навоий шаҳар мудофаа ишлар бўлими қақирув бўлими бошлиғи.

ҲАРБИЙ КАСБНИ ТАНЛАГАН ЎҒЛОНЛАРГА ҲАР ҚАНЧА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Мамлакатимизда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу байрам арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбирлари ҳамюртларимиз билан суҳбатлашди.

**Отаназар АЛИМОВ,
Иккинчи жаҳон уруши фахрийси:**

– Юрт тинчлиги, Ватан озодлиги тушунчаларининг қадрини нечоғли улуғ экани биз, уруш иштирокчиларига жуда яхши маълум. Шукрки, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда, халқимиз осуда ва фаровон ҳаёт кечираётир. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримовнинг эл-юртимиз равнақи йўлида амалга ошираётган буюк меҳнатлари ва ғамхўрлиги самарасидир.

Мамлакатимиз хавфсизлиги, халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучлар барпо этилди. Ҳозир аскарларимизга барчанин ҳаваси келади. Улар учун яратилган шароит, берилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳеч қайси даврда бўлмаган.

Ватан ҳимоячилари кунини кўтаринки руҳда нишонлаш анъанага айланган. Байрам муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ташкил қилинаётгани қувонарлидир. Бу, албатта, ўсиб келаётган ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Дилшод МАРИПОВ, майор:

– Ватанни севиш, унга чин дилдан хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг шарафли бурчидир. Биз, ҳарбийларга юрт тинчлиги, Ватанимиз озодлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўриқлашдек муқаддас вазифа ишониб топширилган. Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳарбий хизматнинг нуфузини ва ёшларимизнинг армиямизга қизиқшини оширди. Ҳарбий хизматга иродали, жисмонан ва руҳан соғлом, дунёқараши кенг ёшлар саралаб олинмоқда.

Ватан ҳимоячилари куни нафақат биз, ҳарбийларнинг, балки бутун халқимизнинг улуғ байрамидир.

Зулайхо ОМОНОВА, ўқитувчи:

– Турмуш ўртоғим – ҳарбий. Ҳарбий оилага келин бўлиш, ҳарбийнинг рафиқаси бўлиш – катта масъулият. Мен турмуш ўртоғимни машаққатли меҳнат фаолиятида ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайман, қувончли дамларида бирдек қувонаман. Ўғлим ҳали ёш бўлса-да, отаси сингари ҳарбий бўлишини истайман. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан “Мустаҳкам оила йили”, деб эълон қилинган 2012 йилда ҳарбий оилаларга ҳам эътибор янада кучайтирилди. Биз ҳам янги уй-жойга эга бўлдик, фарзандларимиз учун янги имконият ва имтиёзлар яратилди. Бундан беҳад хурсандимиз.


Улуғбек СУЛАЙМОНОВ, захирадаги аскар:

– Ҳар бир йигит Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан ўташга интилади. Мен ҳам ўтган йили сафарбарлик қақирuvi резерви хизматини ўтаб қайтдим. Армия ёшларни шахс сифатида шакллантиришга хизмат қиладиган ҳаёт мактаби эканига амин бўлдим.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, юртимизда ҳарбий бурчини адо этиш учун яратилган шарт-шароитлар таҳсинга лойиқ. Ҳарбий сабоқларни қунт билан ўрганиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Бу мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар бераётган юксак самаралардандир.

**ЎЗА мухбирлари
Мадина УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.**

 Бухоро вилояти


«БИЗ ВАТАНГА ҚОЯМИЗ, МУСТАҲКАМ ҲИМОЯМИЗ»

**БУХОРО ВИЛОЯТИ МАДАНИЯТ ВА
ИСТИРОҲАТ БОҒИДА УШБУ ШИОР ОСТИДА
ФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Фестиваль ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилаларини тантанали кутиб олиш маросими билан бошланди. Меҳмонлар дастлаб истироҳат боғидаги “Мотамсаро она” монументи пойига гулчамбар қўйишди. Сўнг 1-сон Мусиқа ва санъат мактабига, “Дилқушо” теннис мажмуасига ҳамда “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументига ташриф буюрдилар. Бу ерда улар ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишлари, ўз иқтидор ва қизиқишларини тўла намоён этишлари учун яратилган шарт-шароитлар, мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқларга гувоҳ бўлишди.

Тадбирнинг бадиий қисми эса вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтди. Унда “Тўғон” спектакли ва байрам концерти дастури намойиш этилди.

**Ҳамроз АЛИ,
“Qishloq hayoti” мухбири.**



Улуғбек дарсдан чиққандан сўнг кўнглига бир ниятни тугди: бобожонидан сўрайдиган саволлари бор, уларга бугун жавоб олишга аҳд қилди. Китоб-дафтарини уйга қўйди-да, катта отаси ўтирган хонага йўналди.

— Ассалому алайкум, отажон, яхши ўтирибсизми?

— Эй Улуғбекжон, коллеждан келдингми? Кел, бирга чой ичамиз.

Отасининг қайноқ тафтидан ҳарорат олган Улуғбек кун бўйи ўйлаб юрган саволини беришга тутинди:

— Отажон, ҳамма сизни ҳурмат қилади. Кўп одамлар сиздан маслаҳат сўрашади. Оиламизга ҳавас қилади. Бунинг сабаби нимада?

Ўрол бобо набирасининг бу гапларини эшитиб, унинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмаслигидан мамнун бўлди. Яхши-ёмоннинг фарқига боряпти. Ўзи шу набирасининг юриштирилари ёшлигини эслатади.

— Яхши инсон бўлиш учун, аввало, ҳалол меҳнат қилиб яшаш керак. Бутун умр виждонимга тескари бормадим. Доимо юзим ёруғ бўлди. Қисқа айтганда, шу.

— Мен ҳам сиздай бўламан, — қатъий азму қарор қилди Улуғбек. — Бунинг учун нима қилишим керак?


— Аввало, яхши ўқишнинг керак, отананг айтган гапларни сўзсиз бажаришинг лозим.

— Ундай бўлса, дарсимни қилишга ўтирай, — деди Улуғбек. — Ҳамма айтганларингизни қиламан.

Набирасини кузатган бобо янги дамланган чойдан хўплади-да, чуқур ўйга толди.

Эҳ-ҳе, шу набираси ёшида бир бурда нонга зор бўлиб, далаларда машоқ тергани, қаровуллар қамчисидан еган калтаклари кечагидек эсида турибди. Яқинда ёшлар билан учрашганда машоқ тергани ҳақида гапирса, бир бола: “Машоқ нима, бошоқми?” деб сўраганди. Ҳа, унинг бугдойга тўлгурлар-а, машоқ бутун ҳосил йиғиштириб олингандан кейин галлазорда тўкилиб қолган дон-дун қолдиги эканлигини қаердан билишин. Илоҳим, у кунларни тескари қилсин. Лекин нон қадри, инсон қадри нима эканлигини болаларимиз тушуниб етиши учун нима қилишимиз керак? Баъзан ўтмишдаги қийинчиликлар ҳақида оғиз очсанг, бу мавзуга қизиқмайдиган ёшлар кўпайиб қоляпти.

Тавба, болалик дамларида ҳаёт кечириб шунчалик оғирлашибдики, оила аъзолари билан Зоминни тарк этиб, бошқа жойлардан нажот излашганди. Отаси чеккан азобларни унутиб бўладими?! Оила ризқ-рўз излаб саргардон бўлган йилларни эсласа, ўша давр-



ЖАЁИТ сабоғи

да “Осмон йирок, ер қаттиқ” замони бўлгани ёдига келади. Оққўрғон томонларда жон сақлаган дамларда отаси бир қоп ўрик баҳона қамалиб қолганда бутун оила қандай изтироб чекканди. Қариндошлардан бири Ўролни “Оилада битта нонхўр камайсин” деб ўзи билан олиб кетганди. Бир бурда нон кўзга тўтиё бўлганди-я. Ўша азобларни ҳозирги ёшларга айтса ишонишмайди. Лекин у ўша оғир кунларни бошидан кечирган. Ҳозир ҳам тўқликка шўхлик қилганларни кўрса, эринмай тушунтиришга уринади. Билса билар, билмаса, ўзининг шўри. Ахир бу дунё ҳисоб-китобли. Ким инсоф ва диёнати унутмаса, Яратган уни мукофотлайди. Бу гапни отахон фарзандларига, набира-чевараларига тинмай уқтиради.

Ҳозирги мактабларга қараб ҳавасингиз келади. Биз болалигимизда ўқиган жойни мактаб деб бўлмасди. Қанча қийин бўлмасин, ўқидик, илм олдик, иродамизни синовларда тобладик. Ҳеч кимдан қарздор бўлмадик, тилим қисик бўлмасин, хижолатдан холи яшай. Бу қоидалар ҳаётимиз шiori бўлган.

Замондан орқада қолмаслик, жамиятнинг илгор зиёлилари сафида бўлиш учун Жиззах педагогика билим юрти-

да, кейинчалик икки олий ўқув юрти битириш ўша мураккаб йилларга тўғри келганди. Зоминга қайтиб келгандан кейинги ишлар осон кечганимиди? Райкомда, хўжалиқда, халқ назорати идорасида ишлаган йилларида сираям виждонига қарши бормади. Минг шўрки, инсоф ва диёнат доирасидан чиқмаганлиги учун ҳамиша юзи ёруғ бўлди. Қанчадан-қанча одамлар нафсига эрк берганлиги учун қамалиб кетишди. Яратган ҳалол бандасининг ризқини ҳам баракали қилиб берар экан.

Уч ўғил, уч қизни рисоладагидек тарбиялаб вояга етказиш, уларни эл-юртга қайишадиган инсонлар сафига қўшиш ўз-ўзидан бўлган эмас. Энг муҳими, улар ҳалол лўқма билан катта бўлишди. Шу боис, фарзандлари учун хижолат тортмайди. Ўғиллари Хўроз, Эшмирза, Дилшод, қизлари Насиба, Дилором, Дилфуза, келинлари Дилором, Гулмира, Қорасоч сулола етакчиси Ўрол отанинг атрофида гиргиттон. Шуларга қараб баҳри-дили очилади, вужудига куч-қувват ингандай бўлади.

Ҳар замонда набираларини соғинганда ота пойтахтга бориб туради. Кўни-кўшилар “Ўрол ота келибдилар”, деб атайин чиқишади. “Қишлоқларда

нима гап?” деб сўрашади.

— Энди бизнинг Зомин ҳам шаҳардан қолишмайдиган бўлиб қолди, — дейди отахон гурур билан. — Қани энди йигит бўлиб қолсаму, шундай бунёдкорлик ишларида ўзим ҳам қатнашсам. Аммо ҳозир ҳам қараб турганимиз йўқ. Фермер хўжалигимизда ишни шундай ташкил қилганмизки, эришадиган натижаларимиз қандай ишлаётганимизни кўрсатиб турибди. Ҳозир вазият шунақа: ким дангасалик қилса, сув юзига қалққан пўкақдай кўзга ташланиб қолади.

Пенсия ёшига етгандан кейин масъул вазифаларни топширди. Кексалик гаштини сурмоқчи бўлди. Йўқ, бутун умр меҳнатга ўрганган одам хонанишин бўлиб ўтиролмас экан. Бу ёғи мустақиллик офтоби чиқиб, ким нимага қодир эканлигини намоён қилиш учун ажойиб имкониятлар яратилди. Зоминда кўзга кўринган оқсоқол Ўрол Абдуалимов фермерликда ҳам ўзини кўрсатди. Бой ҳаётий тажриба, ҳалол меҳнат ёрқин самаралар берди. Бугун ҳам ҳудуд раҳбарлари фермерлик ишини қандай йўлга қўйишни “Олтин бошоқ” фермер хўжалигидан ўрганинлар, дейишади.

Мустақиллик бебаҳо неъмат эканлигини истибод даврида қатагон ва турғунлик офатларини ўз кўзи билан кўрган инсон бошқалардан кўра яхши ҳис қилади. Қайси даврада, турли учрашувларда, тадбирларда бўлмасин, ҳамиша мустақилликнинг қадрига етиш зарурлиги ҳақида ёшларга уқтиради. Тобелик, мутелик ҳеч қачон инсоннинг ҳақиқий имкониятлари намоён бўлишига йўл бермаслигини айтади. Мустақиллик инсоннинг олий қадрият эканлигини амалда кўрсатди, барча ҳаракатларимиз, интилишимиз инсоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш учун эканлиги ҳаётимизда кўзга ташланмоқда, дея дил сўзларини изҳор этади отахон. Ким шу неъматнинг қадрига етмаса, у дунё-бу дунё иши олға кетмайди, эл-юрт олдида мулзам бўлади. Бу гаплар Ўрол ота қалбининг туб-тубидан сизиб чиққан фикрлардир.

Бу дунёда ҳамиша инсоннинг қадри тик, сўзи ўқтам бўлиши учун ҳалол, пок ва диёнатли турмуш кечириб кетилсин. Набирасининг саволига бир сўз билан жавоб қилиш мумкинми? Биргина савол мингинчи ойини қаршилаётган Ўрол отанинг кўнглига шунча хотираларни солди. Агар бу ҳаётда кечган изтироб, ҳаяжон ва қувончлар ҳақида муфассалроқ билишни истасанг, “Умр дафтари” китобимни ўқиб кўришингни тавсия қиламан, дейди Ўрол Абдуалимов ўз нури дийдасига. У китобда бир инсоннинг умр сабоқлари, эзгу ниятлар йўлида кураш ва интилишлар ҳаётда қандай бўлса шундайлигича баён этилган.

Шухрат ЖАББОРОВ

▼ ЭЪЛОН

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСИ» МЧЖ РИЭЛТОРЛИК КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН 2013 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛЬ, 18 МАРТ, 17 АПРЕЛЬ, 17 МАЙ, 15 ИЮНЬ, 15 ИЮЛЬ, 15 АВГУСТ, 15 НОЯБРЬ ВА 14 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 11:00 ДА ҚЎНҒИРОТ ТУМАНИ ҲОКИМИЯТИ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДАГИ ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР МАЙДОНЛАРИ САВДОГА ҚЎЙИЛАДИ.

Қўнғирот тумани бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларининг ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 53640 сўм.

1. О.Ерманов кўчаси 1-кварталидан №46 ер ўрни. 2. Нурмухамедов кўчаси 9-кварталидан №46 ер ўрни. 3. «Туркистон» МФЙ 2-кварталидан №12 ер ўрни. 4. «Туркистон» МФЙ 3-кварталидан №13-ер ўринлари. 5. «Туркистон» МФЙ 7-кварталидан №11,12 ер ўринлари. 6. «Туркистон» МФЙ 14-кварталидан №58,59,73 ер ўринлари. 7. «Туркистон» МФЙ 15-кварталидан №31 ер ўрни. 8. «Ҳаким ота» МФЙ 54-кварталидан №6,9 ер ўринлари. 9. «Ҳаким ота» МФЙ 66-кварталидан №6,7,8 ер ўринлари. 10. «Ҳаким ота» МФЙ 74-кварталидан №1 ер ўрни. 11. «Ҳаким ота» МФЙ 75-кварталидан №7,9,11 ер ўринлари. 12. «Ҳаким ота» МФЙ 76-кварталидан №1,2,3 ер ўринлари. 13. «Мынжарган» МФЙ 66-кварталидан №1,5,13,15 ер ўринлари. 14. «Ҳаким ота» МФЙ 69-кварталидан №1,2,3,4,11 ер ўринлари. 15. «Ҳаким ота» МФЙ 71-кварталидан №1,6,8,10,15 ер ўринлари. 16. «Ҳаким ота» МФЙ 72-кварталидан №1,2,11,13,15,17,18,19 ер ўринлари. 17. «Ҳаким ота» МФЙ 73-кварталидан №1,2,3,5,12 ер ўринлари. 18. «Ҳаким ота» МФЙ 74-кварталидан №3,9,11,13,14,15,16,17,18,19,20

ер ўринлари. 19. «Ҳаким ота» МФЙ 75-кварталидан №1,2,3,4,5,6,8,10 ер ўринлари. 20. «Ҳаким ота» МФЙ 76-кварталидан №4,5,6,7,8,9 ер ўринлари.

Қўнғирот тумани бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларининг ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 42000 сўм.

1. «Қипчоқ» МФЙ Қипчоқ кўчаси 1-кварталидан №3,4,5 ер ўринлари. 2. «Қўнғирот» ҚФЙ Гулистон аҳоли пункти 196-кварталидан №5 ер ўрни. 3. «Адабиёт» АПЖ Тиркиш аҳоли пункти 1-кварталидан №1 ер ўрни. 4. «Ўрнак» ҚФЙ Ўрнак аҳоли пункти 6-кварталидан №2 ер ўрни. 5. «Ўрнак» ҚФЙ Ўрнак аҳоли пункти 9-кварталидан №1 ер ўрни. 6. «Қирққиз» ПФЙ 1а-кварталидан №11,11а ер ўринлари. 7. «Меҳнатобод» ҚФЙ ҳудуди 8-кварталидан №1,2,3,4,5,6,7,8 ер ўринлари.

Қўнғирот тумани бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларининг ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 28920 сўм.

1. «Олтинкўл» посёлкаси 3-кварталидан №13,14,16,17,18,19,25,27,29 ер ўринлари. 2. «Ол-

тинкўл» посёлкаси 4-кварталидан №5,7,11,13 ер ўринлари. 3. «Олтинкўл» посёлкаси 5-кварталидан №2,4 ер ўринлари. 4. «Олтинкўл» посёлкаси 7-кварталидан №7,9 ер ўринлари. 5. «Олтинкўл» посёлкаси 8-кварталидан №2 ер ўрни. 6. «Олтинкўл» посёлкаси Олтинкўл кўчасидан №68 ер ўрни. 7. «Олтинкўл» посёлкаси 3-кварталидан №2,4 ер ўринлари. 8. «Олтинкўл» посёлкаси, Воскобойников кўчаси 81-кварталидан №1,3,4 ер ўринлари.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан 18:00 гача Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, №112 А уй, Давлат мулк кўмитаси биноси, 1-қават 117-хонада қабул қилинади. Хоҳловчилардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш Аукцион савдоси ўтказилиш вақтидан 1 кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Хоҳловчилар зақалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдоридан «Туран Ким-зыят саудаси» МЧЖ ОАТБ «Туран банк» Нукус филиали х/р: 2020 8000 9047 9270 1001, МФО: 00585, ИНН: 301 273 292. зақалат пули тўлашлари шарт. Ишонч телефони: (8-361) 222-00-84.



Этюд

Излар

Кечқурун ёға бошлаган лайлакқор тун бўйи тинмади. Болакай тўшагидан туриб, дераза олдига бориб ташқарига қаради. Қорнинг қалинлигидан ҳовлидаги дарахтларнинг шоҳлари эгилиб, синай-синай деб турарди.

Отаси бир неча кундан буён даладан келмай, яхоб тараётгани боис, болакай ўзини оиланинг каттаси деб ўйлади ва ҳали ғира-шира эканига қарамай, ҳовлига чиқди. Бўлмаса-чи, ахир биринчи синфда ўқийди-я! Тандирхона айвони четида суёғлик куракни олиб, у ёқ-бу ёққа йўлаклар очди. Сўнг куракни судраганича ҳовлидан чиқди. Ҳовли бир мунча дўнг жойда жойлашгани учун қишлоқ

кафтдагидай кўриниб турар эди. Хатто, ҳар куни бу чоғда еру самони тўлдириб, бири тўхтаб, бошқаси қичқирадиган сахархез хўрозлар ҳам унда-бунда эринибгина қичқиришар, қўй-эчкиларини тонг отмай ҳайдаб кетадиган кекса чўпоннинг ҳам бугун негадир қораси кўринмайди. Болакай ортига қайтиб, иссиқ кийимларини кийди-да, қулоқчинини бостириб, ойиси кеча кечқурун отасининг

нонуштаси учун тайёрлаб қўйган тугунни кўтарганича далага жўнади. Дала шийпони анча олис — уч чақиримча келади. Лекин тез юриб, тез қайтса, ҳали мактабга ҳам биринчи бўлиб бориши мумкин. Қалин қор болакай этикларининг кўнжидан ҳам ошиб, пайпоқ ва оёқларини ҳўллади. Бунинг устига, тонг аёзи кулоқ, бурун ва юзларини чимчилаб, ачита бошлади. Бироқ у парво қилмасди. Ахир йигит-да!...

Тонг отди. Энди боланинг изидан кўплаб катталар боришар, кичкина излар катта ва раvon йўлга айланарди. Назаримда, шу излар эзгулик излари... Болакай келажакда ҳаётнинг катта ва кашф этилмаган сўқмоқларида ҳам йўлбошчи бўлса, ажабмас.

Келди ДҮСТБЕК

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

6-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси 2013 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қўйидаги иншоотлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

1. “Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги “Катта Жилвон” каналини реконструкция қилиш (1-босқич – 8,2 км.)”

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **7 535 635 000 сўм (ҚҚС билан), 6 279 695 000 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **36 ой.**

2. “Бухоро вилояти Бухоро туманидаги “Жондор” каналига ЖТКдан (ЮСК) сув бериш гидроузели қурилиши”

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **806 620 716 сўм (ҚҚС билан), 672 183 930 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **11 ой.**

3. “Бухоро вилояти Вобкент туманидаги “Коза” гидроузелини реконструкция қилиш”

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **4 966 285 000 сўм (ҚҚС билан), 4 138 571 000 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **30 ой.**

4. “АБМК тизимидаги Навоий вилояти “Қизилтепа” насос станцияси “Шофиркон” босимли қувурлар тармоғининг ишлаш қобилиятини ошириш”

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **15 131 135 000 сўм (ҚҚС билан), 12 609 279 000 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **48 ой.**

Қурилиш ишлари Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: 6-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Манзили: Бухоро шаҳри Ширбулдин кўчаси 2-муюлиш. Тел: (8-365) 225-15-40, факс: 225-24-53.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қўйидаги иншоотлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

1. “Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги “Катта Жилвон” каналини реконструкция қилиш (1-босқич – 8,2 км.)”

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **7 535 635 000 сўм (ҚҚС билан), 6 279 695 000 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **36 ой.**

2. “Бухоро вилояти Бухоро туманидаги “Жондор” каналига ЖТКдан (ЮСК) сув бериш гидроузели қурилиши”

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **806 620 716 сўм (ҚҚС билан), 672 183 930 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **11 ой.**

3. “Бухоро вилояти Вобкент туманидаги “Коза” гидроузелини реконструкция қилиш”

мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига** қўйидаги манзил бўйича муурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – Юз минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчиси-га тақдим этишнинг охириги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АМУ-БУХОРО» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ-1

Лот 1-1. “Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги хўжаликлараро “Денгизкўл” зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш” (114,991 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **611724,434 (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **7 ой.**

Лот 1-2. “Бухоро вилояти Олот туманидаги хўжаликлараро “Жанубий Олот” зовури

тизимини таъмирлаш ва тиклаш” (76,0 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **363505,651 (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **5 ой.**

Лот 1-3. “Бухоро вилояти Пешку туманидаги хўжаликлараро “Т-9 Шимолий” зовури

тизимини таъмирлаш ва тиклаш” (113,5 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **536987,211 (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **9 ой.**

ЛОТ-2

Лот 2-1. “Бухоро вилояти Бухоро туманидаги хўжаликлараро “Чакмоқ” зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш” (30,57 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **103633,126 (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **3 ой.**

Лот 2-2. “Бухоро вилояти Вобкент туманидаги хўжаликлараро “Харгуш” зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш” (64,404 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **392467,78 (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **7 ой.**

Лот 2-3. “Бухоро вилояти Жондор туманидаги хўжаликлараро “Кароли” зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш” (71,21 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **334407,431 (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **7 ой.**

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 35% ни ташкил қилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: “Аму-Бухоро” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелiorатив экспедицияси.

Манзили: Бухоро шаҳри Ширбулдин кўчаси, 4-уюлиш, 24-уй. Телефон: (8-365) 225-37-22, факс: 225-14-85.

